



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 29 август № 35 (263) ●

Сотувда нархи эркин

МУСТАҚИЛЛИК МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

БАЙРАМИНИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Халқимизда байрамга аввалдан тайёргарлик қўриб, унга муносиб совға билан келиш одат бўлиб қолган.

Мамлакатимиз алоқачилари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олти йиллигини соҳада ислохотларни фаол амалга ошириш, алоқа тармоқлари ва виллатларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича амалий тадбирларни рўйбўра чикарган ҳолда қутиб олмақдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 23 июль, 1997 йил чикарган «Ахборот тизимлари соҳасини бошқаришни қайта ташкил этиш ва такомиллаштириш чоралари ҳақида»ги Фармони барчамиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур Фармонга биноан алоқа вазирлиги тугатилди, унинг негизда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил этилди. 1997 йил 31 июлдаги Фармонга асосан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳақида»ги 380 Қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар почта алоқаси, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияни бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, давлат тасаруфидан чикариш ва мазкур соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнларини жадаллаштириш максатларига йўналтирилган.

1997 йил август ойининг ўрталарида ўтказилган таъсис конференцияларида учта акционерлик компанияси — «Маҳаллийтелеком», «Халқаротелеком» ва «Ўзбекистон почтаси» давлат-акционерлик компанияси ташкил этилди.

Агентлик ва акционерлик компаниялари зиммасига бутун алоқа комплекси фаолиятини тубдан яхшилаш, хизмат даражасини юксалтириш, ишининг янгича бозор шакллари ва услубларига жадал ўтиш вазифаси юклатилди. Буни барча алоқачиларимиз яхши тушунадилар ва олдиларга қўйилган юксак максатларга эришишда астойдил ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон алоқа корхоналари жамоалари телекоммуникация тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, почта алоқаси фаолиятининг молиявий ишлаб чикариш асосини мустаҳкамлаш, қурилиш ва саноят ишлаб чикариш комплексини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган тадбирларнинг Миллий дастури асосида ишни ташкил этидилар.

Ўтган 8 ойда барча ишлаб чикариш кўрсаткичлари муваффақиятли бажарилди, хизмат, фойда ва даромадлар ҳажмининг се-


зиларли даражада ошишига эришилди, шу билан бирга бир қатор муҳим янги ишшоотлар фойдаланишга топширилди. Хусусан, ТООе шиша-толали кабел магистрали қурилиши тугалланди, 926 километрик шиша-толали кабел ётқизилди ва Туркменистон чегарасида у Ўзро уланди. Эндиликда Тошкент — Самарқанд — Бухоро ҳудудларида энг мукаммал рақамли каналлардан ишлаб чикариш максатларида фойдаланиш имконияти мавжуд. У 1997 йилнинг декабрида 20 та мамлакат ҳудуди бўйлаб ўтган ва 27 минг километрдан кўпроқ масофага чўзилган тармоққа уланади. Бу катта воқеадир. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон алоқачилари Германиянинг Сименс АГ фирмаси билан ҳамкорликда бу муҳим ишни мустақил равишда удаладилар. Янги магистрал каналлари бўйлаб бир неча кун муқаддам ўтказилган видеоконференсаларда унинг улкан имкониятларини аён кўрсатди.

Тошкентда бир неча рақамли АТСлар ишга туширилди, рангли кабел асосидаги «транспорт халқаси»нинг қурилиши ўз ниҳоясига етди, тармоқ этиз рақамли тизимга ўтказилмоқда. Тошкент вилоятида 45 минг рақамли АТС комплекси ишга туширилди.

«Коском», «U-TEL», «Бузел», «Узмаком» янги уяли алоқа корхоналари амалий иш бошладилар, олти йил муқаддам ташкил топган «Ўздуробита» қўшма корхонаси эса, барча вилоятларда ўзининг бўлимларига эга ва Нукусда уяли тармоқни очиш масалалари ҳал этилмоқда. Мазкур қўшма корхона тармоғида ҳозирнинг ўзида 15 минг икжоз бор. Хуллас, хайрли ишларимиз кўп. Бироқ ҳозир раҳбарларимиз ва мутахассисларимиз диққатини 23 июлдаги Президент Фармонида белгиланган вазифаларни амалда бажаришга қаратиш муҳимдир. Мазкур Фармоннинг шарофати билан мамлакатимиз алоқа корхоналарини жаҳон стандартлари даражаларини кўзда тутувчи бозор муносабатлари тамойиллари асосида ривожлантиришнинг янги уфқлари очилди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Хайъати номидан ва шахсан ўз номидан барча алоқа ходимларини умумхалқ байрами — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олти йиллиги билан қизгин табрикламай, барчангизга мустаҳкам сихат-саломатлик, бахт-саодат, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровонлиги йўлида хайрли ишларингизда янги зафарлар тилайман!

Абдувоҳид ЖЎРАБОВЕВ,
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директори



МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан меҳнатда намуна кўрсатганликлари учун бир гуруҳ алоқа ходимлари муносиб тақдирландилар.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра, Хоразм вилояти давлат электралоқа ишлаб чикариш корхонаси бош муҳандиси Аллаберган Матниёзович МАТНИЁЗОВ, «Ўзбекмаҳаллийтелеком» Акциядорлик компанияси (АК) бош мутахассиси Маматқарин Тўхтасинович КОДИРОВ, «Ўзбекмаҳаллийтелеком» АК давлат электралоқа бирлашмасининг бош мутахассиси Фариза Мирзақирова МИРСОЛИХОВА, Қорақалпоғистон давлат алоқа корхонасининг поч-

та алоқа хизмати бошлиги Бисенгали ТАУБАЕВ, Тошкент радиомаркази радиостанцияси бошлиги Юрий Иванович ЖУМЕНКОларга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «МОХИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони берилди.

Шунингдек, Бухоро вилояти алоқа моддий-техника таъминоти идораси бошлиги Истам Шарипович ШАРИПОВ, Қашқадарё вилояти, Муборак туман электралоқа боғламаси бошлиги Ҳасан Сафоевич РАВШАНОВ, Республика радиозштитириш, радиоалоқа ва телевидение иш-

лаб чикариш бирлашмаси бош ҳисобчисининг ўринбосари Анда Алиташовна ЖОНУЗОҚОВА, «Алоқинвест» АЖ Хоразм алоқа қурилиш кўчма механизациялашган колоннаси бошлиги Комил Бердиевич КҮРБЯЗОВ, Тошкент телеграф-телефон станциясининг 1-тоифали телефончиси Римма Маждуллаевна ГАЛИУЛЛИНА, Халқаро ҳисоб-китоб ва шартномалар марказининг бош ҳисобчиси Фарида Мансуровна ХАЙДАРОВА, Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказининг бўлим бошлиги Асилжон Қосимович МИРХАБИБОВ, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бўлим бошлиги Асаджон Озодбекович ХҲҲАЕВ, Қашқадарё вилояти, Касби туман почта алоқа боғламаси бошлиги Икром САЙФУЛЛАЕВлар Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар

(Давоми 2-бетда.)

● Матбуотда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси

● Самарқандда «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали бошланди.

● Москва яқинида «МАКС-97» халқаро авиакосмос салониди кўргазма ниҳоясига етди. Жаҳондаги 328 та етакчи фирмалар иштирок этган бу кўргазмада Тошкент авиация ишлаб чикариш бирлашмасининг «Ил-76» ва «Ил-114» самолётлари катта муваффақият билан намойиш этилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгилликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

қаси Мустақиллигининг олти йиллиги муносабати билан фан, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

● Бугун Биринчи чакирқк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси очилди.

● Украина миллий байрами — Мустақиллик кунининг 6 йиллигини кенг нишонлади.

● АҚШ Президенти Билл Клинтон федерал ҳукуматга тегишли барча бино ва ишшоотлар ичида чекишни ман қиладиган фармон чикарди. 1993 йилда Билл Клинтон АҚШ Президенти этиб сайланган сўнг унинг маъмурияти жойлашган Оқ уйи биносида чекиш ман қилинган эди.

Мустақиллик байрами бир учун, бир юз ўттиз йилдан зиёд озодликка ташна бўлган халқимиз учун жамики байрамлар орасида шубҳасиз, энг улуғи, энг ардоқлисидир. Мухбирларимиз улкан шодёна арафасида бир ғуруҳ ватандошларимизнинг байрам кайфияти, ўй-кечинмалари билан ўртоқлашдилар.

Равшан АСҚАРОВ,
Узбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Рахбар ходимлар ва ўқув юртлари бўлими бошлиғи:

— Мустақилликнинг мустақамлаши аввало кадрларга боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда кадрлар масаласига жуда катта эътибор берилди. Хорижий алоқа агентликлариди кадрлар тайёрлаш бўлими катта нуфузга эгадир. Дарҳақиқат, кадрлар катта куч бўлиб, мамлакатнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

АСРИЙ АРМОНЛАР УШАЛГАН БАЙРАМ

Агентлигимизда 6 йил ичида кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш масаласида анча ишлар амалга оширилди. Қўйилган раҳбар кадрларнинг аксарияти 45 ёшгачадир.

Республикамиз миқёсида ҳам бу масалага жиддий эътибор берилмоқда, ёшларнинг хорижий давлатларда ўқиш, билим олишлари учун кенг йўл очилди. Бу эса мустақилликни мустақамлашда беқиёс аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг кадрлар мустақиллигига эришишида куч-ғайратларини аямай, астойдил заҳмат чекаётган ҳамкасбларимга, барча алоқачиларга руҳий бардамлик, оилаларига тинчлик тилаб қоламан.

Дилбар САТТОРОВА,
Бекобод шаҳар почта алоқа тармоғи бошлиғи:

— Республикаимиз мустақиллигининг олти йиллик байрамига муносиб ҳисса қўйиш масъулияти билан меҳнат қилмоқдамиз. Тармоғимизнинг шаҳар бўйича 13 та бўлими бор, 86 минг аҳолига, шу жумладан 11200 нафақачига почта хизмати кўрсатади. Бир кеча-кундузда республикамизнинг турли бурчакларига 215-220 тагача хат-хабарлар, шунингдек, Ҳамдустлик давлатларига 5-6 та жўнатмалар юборилади. Барча ходимларимиз, шу жумладан 16-алоқа бўлими бошлиғи Валентина Маҳмудова, 2, 10-алоқа бўлими почтачилари Зухра Гажаева, Турдимурод Зулпанов, сараловчи Сабоҳат Кароматова, «Сарбон» автокорхонаси ҳайдовчиси Хайрулла Бековлар ўзларига берилган топшириқларни масъулият билан баҳаришиб, аҳолига хизмат кўрсатишда ҳамкасб-

ларига ўрнатқан бўлишмоқда. Уларнинг хизматидан аҳоли мамнун.

Мустақиллик туфайли имкониятларимиз ҳам бирмунча кенгайди. Ҳозирги кунда аҳолидан электр қуввати, телефон, радионўқталардан фойдаланганлик учун тўлов ҳақларини қабул қиляпмиз. Бу эса корхонамизнинг рентабеллик даражасини мустақамлаб, соф даромадимизни оширмоқда. Олаётган даромадимиздан замонавий компьютерлар, факс, нусха қўчирувчи аппаратлар сотиб олишда, ишчиларни ижтимоий ғимоялашда фойдаланяпмиз. Хуллас, аҳолига намунали почта алоқа хизмати кўрсатиш жамоамизнинг олий мақсадидир.

Тилагим — юртимиз тинч, халқимиз дастурхони тўкинсочин, мустақиллигимиз боқий бўлсин!

Баҳодир ЖўРАЕВ,
Тошкент Шарқшунос-лик институти талабаси:

— «Мустақиллик менга нима берди?» деган саволни ўзимга бериб қураман ва мустақилликнинг кадрини сўз билан ифодалашга ожизлик қиламан. Мени тарихимизни ҳаққоний ўрганиш имконияти туғилгани айниқса кўпроқ қувонтиради...

Биласизми, биз — ёш авлод нима учун бахтлимиз? Мустабид тузумга эътиқод қўйиб, шоир айтганидек, «Дунёни бир бадбўй ҳовуз деб» билмаганимиз учун ҳам бахтлимиз. Айни чоғда мустақиллик бугунги авлоднинг миллат келажаги йўлида масъул этди.

Тенгдошларимни, барча юртдошларимни мустақиллик байрами билан самимий қутлайман.

Сухбатларни Солиҳ ЗОИР ва НУРИЛЛА ЁЗИБ олди

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Узбекистон маркаси» нашриёт маркази теннис мавзусига бағишланган почта маркалари туркумини муомалага чиқарди.

Теннис бўйича мусобақалар мамлакатимизда тобора оммалашиб бормоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларида халқро стандартлар талаблари даражасида жиҳозланган теннис кортлари қурилмоқда. Республикаимизда теннис бўйича Президент кубоги учун халқро



мусобақалар ўтказиш аянчанга айланб қолди.

Теннис мусобақаларининг ёшлар орасида оммалашувида Галаба байрами арафасида мамлакатимиз раҳбарияти орасида теннис бўйича 3 кун мобайнида ўтказилган «Хавас» норасмий дўстлик мусобақаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Маркалар икки хил ранг билан безатилган, нархи 6 сўм.

Маркалардаги тасвирларни рассом Юлай Габзалилов ишлаган.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

(Боши 1-бетда.)

агентлигининг «ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ» билан мукофотландилар.

Куйидаги ходимлар — Нарвой вилояти, Қизилтепа тумани электралоқа боғламаси бошлиғи **Зиёдулло Давронович ОТАМУРОДОВ**, Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани электралоқа боғламаси бошлиғи **Бахтиёр Узокбоевич УТАМУРОДОВ**, «Алоқинвест» АЖ Самарқанд алоқа қурилиш кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи **Шавкат Мухлисевич НОСИРОВ**, Шаҳарлар ароқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-ШАТБ бошлиғи **Николай Никонорович РЯЗАНЦЕВ**, Андижон вилояти, Пахтаобод почта алоқа боғламаси бошлиғи **Ғанижон ХУРБОЕВ**лар агентлигининг «АЪЛО ДАРАЖАЛИ РАХБАР» фахрий унвони билан тақдирланишди.

Шунингдек, Наманган шаҳар телеграф-телефон станцияси муҳандиси **Одил Умархонович АДХАМОВ**, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси, Мирзо Улугбек тармоғининг муҳандиси **Шарофат Мусаевна РАҲМОНОВА**, Сурхондарё вилояти Давлат алоқа назорати бошлиғи **Жумагул Муратовна МУРАТОВА**, Самарқанд радиотелевизион узатиш маркази муҳандиси **Рўзиқул ШАМИЕВ**, Тошкент Махсус қурилиш ишлар бошқармаси бош муҳандиси **Темир Исоқович ТОҶИБОВ**, Давлат фельдъегерлик хизмати катта инспектори **Рустам Пулатбоевич ТЕШАБОВ**, Халқро ҳисоб-китоб ва шартномалар маркази бўлим бошлиғи **Нурия Хасановна ПАТХУТДИНОВА**, Тошкент телеграф-телефон станцияси 2-тоифали муҳандиси **Елена Алексеевна КИРИЛИЧЕВА**, Тошкент электротехника Алоқа институти ўқув кимси бошлиғи **Нурулла Ҳабибуллаевич ГУЛТўРАЕВ**, Тошкент Алоқа коллежи катта лаборант **Тоҳир МЕНАЛИЕВ**, Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази лаборатория бошлиғи **Алишер Насибуллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВ**, Иختисослаштирилган «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки бошқармаси бошлиғи **Фаррух ХўҶАЕВ**, Наманган вилояти, Янгйўрғон почта алоқа боғламасининг хабарчиси **Сайёрали МИРХўҶАЕВ**, Хоразм вилояти, Хива почта алоқа боғламаси бошлиғи мувоини **Саъдулла ОТАНИЕЗОВ**,

Шаҳарлар ароқа ва телевидение худудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғи **Наталья Борисовна АНТОНОВА**лар агентлигининг «АЪЛО ДАРАЖАЛИ МУТАХАССИС» фахрий унвонига сазовор бўлишди.

Жиззах вилояти, Зомин тумани электралоқа боғламаси 6-тоифали электромантўри **Неъмат Умархонович ЗАРИПОВ**, Фарғона шаҳар телеграф-телефон станцияси катта электр механиги **Фотима Баҳодировна ШОМАНСУРОВА**, Самарқанд вилояти, Жума почта алоқа боғламаси бошлиғи **Уринбосари Иброҳим МИРЗАЕВ**, «Тошкент почтаси» корхонаси, Сирғали почта алоқа боғламасининг хабарчиси **Ғаффар Сарматовна РАЗЗОҚОВА**, Андижон радиотелевизион узатиш маркази мантўри **Аниса Закировна ГРИШНИНА**, Ўзбекистон алоқа лойиҳалаш институти гуруҳ бошлиғи **Марина Станиславовна КАТЕРЕНКО**, Республика алоқа боғламаси 39-АТС кроссининг электр механиги **Любовь Ивановна ИВАНОВА**, Давлат фельдъегерлик хизмати Фарғона вилояти бўлимаси фельдалоқа ходими **Баҳодир Абдумажидович БОБОЕВ**, Тошкент телеграф-телефон станцияси 1-класс телеграфчиси **Валентина Дмитриевна ЕРМАЧКОВА**, Электромагнит морулаш маркази Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти давлат электралоқа назорати радиоператори **Дилёра Мирсайдиевна ШОСАЙДОВА**, Ташқи савдо фирмаси «Узмпэксалоқа» директори **Уринбосари Фарид Губаевич ХАМЗИН**, Алоқа бўлим бошлиғи **Уринбосари Усмонкул Мавлонқулович ҚўЛДОШЕВ**, Етақчи муҳандис **Ляйла Михайловна ИРИШОВА**, «Хабар» газетаси масъул котиби **Абдугани Абдурашулович АБДУРАҲМОНОВ**, Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази етақчи муҳандиси **Светлана Ильинична АБРАМОВА**, Тошкент Халқро электралоқа маркази 1-класс телеграфчиси **Нигора Маҳмудовна ЮСУПОВА**, «Алском» сугурта компанияси, сугурта департаменти бошлиғи **Людмила Акимовна РЯБЧЕНКО**ларга Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг «ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» фахрий унвони берилди. Шунингдек, қўлгина акциядорлик компаниялари, бирлашма ва корхоналар раҳбарлари агентлигининг ташаккурномаси ва пул мукофотларига сазовор бўлишди.



Нигора АБДУЛЛАЕВА Бухоро шаҳар электралоқа боғламасида оператор бўлиб ишлаб бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Утган қисқа муддат ичида абонентлар бўлими ишини ўрганиб, илгор операторлар каторидан ўрин олган **Нигора мустақиллик байрамини муносиб кутиб олмоқда**.
Сураткаш **Т. ЛУТФУЛЛАЕВ**

Давлатлар аро келишувга биноан Хитойнинг «Хуawei» компанияси Ўзбекистонга 2

лишиб, маҳаллий алоқачилар билан ҳамкорликда 1000 рақамга мўлжалланган за-

НУРОБОДА ЯНГИ АТС ҚУРИЛАДИ

милион юанлик телекоммуникация жиҳозлари юборишни ўз зиммасига олди. Энг қувончлиси, бу ёрдамдан Наманган шаҳрининг Нуробод даҳаси аҳолиси баҳраманд бўладиган бўлди.

Яқинда хитойлик мутахассислар Наманганда бў-

монавий уяли автомат телефон станцияси қуришга кешилиб олдилар. Қурилиш ишлари шу йилнинг охиридан бошланади. Алоқа иншоотларини 1998 йилнинг ўрталарида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Аҳмаджон Тўйчибоев,
жавомчиси муҳбиримиз

ҚУШЛОВ!

Иختисослаштирилган «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки бошқармаси жамоаси республикамизнинг барча алоқачиларини Улғу байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллиғи билан самимий табриклайди, ҳамда уларнинг инсон манфаатлари йилидаги хайрли, заҳматли ишларида юксак самаралар тилайди.

Улуғ адибимиз Абдулла Қодирий мазийга қайтиб иш кўриш хайрли эканлигини таъкидлаганларида қўз карра ҳақ эдилар. Истиқлол байрами арафасида бир лаҳза хаелни ўтмишга буриб, буюк сиймоларимиз, мустақиллик учун жон фидо қилган миллий қахрамонларимизни эслаш, руҳларини шод айлаш ҳам ана ўша хайрли ишлар сирасига қиради деб ўйлайман.

Бундан бир-икки йил бурун эиёли дўстларимдан бири шундай деб қолди:

— Бу Дукчи Эшонларинг ғирт ёлғончи ва фирибгар бўлган эканда-а?

Рости, менинг гашим қелди, жаҳлимни яшира олмаи:

лиқда айблайдилар.

Маълумки, фириб билан бойлик ҳамиша ёнма-ён юради. Агар Эшон ҳазрат чинданам фирибгар бўлганида одамларга бепул овқат тарқатариди, мактаб очиб, болаларни ўқитариди, масжид қуради ва энг асосийси, халқни озодлик учун қурашга чорлариди? Бойишни ният қилган фирибгар учун бу ишлар айна катта чиқим эмасми! Унинг мақсади битта бўлган: халқни бирлаштириб, Ватанининг мустақиллиги учун курашиш ва юртининг ўз ҳаёт тарзини жорий этиш. Фақат Эшон бобо халқни бирлаштиришнинг ўзига хос йўлини танлаган.

Дукчи Эшон ҳазратлари кўзғолонга узок тайёрланди, уни

Маълумки, ўрис халқини мўғиллар икки юз йилдан ортиқ вақт асоратда, қулликда сақлади. Икки юз йил — бу ҳазирлакам муддат эмас. Шундай бўлса ҳам улар босқинчиларга қарши курашган энгилмас, афсонавий қахрамонларининг сиймосини яратди. Иля Муромецини эсланг, унинг қошида лак-лак ганим лашқари кумурсқадек бир гап — эзиб мажлаб ташлайверади. Нима учун? Чунки афсонавий қахрамонлар халқнинг руҳиятини тиклаш, соғломлаштириш, улуглаш учун ва ўзгалар олдидида ҳамиша мағрур бўлиши учун керак. Рус биродарларини мусулмон бунни яхши тушунади. Бизнинг эса ундай қахра-

• Истиқлол фидойилари

ИСЁНКОРЛИК ҚОНИДА БОР ЭДИ

— «Дукчи эшонинглар» эмас, Дукчи Эшонимиз, деб гапиринг. Ахир у ҳаммамизнинг бобомиз! — дея кесатдим.

У мийғида кулиб қўйди. Билмадим, бу илмсизликданми ёки маҳаллийчиликданми. Шу-шу бўлди-ю Муҳаммадали Эшон ҳазратларининг ҳаётига қизиқиб қолдим. Бу орада ўша Андижон кўзғолони атрофидаги воқеаларнинг озми-кўпми гувоҳи бўлган Фозилбек Отабек ўғлининг «Дукчи Эшон воқеаси» таниқли журналист Алиназар Эгамназаровнинг «Сиз билган Дукчи Эшон» асарлари ва бир неча олим Фозилларимизнинг турли мақолалари босилиб чиқди. Булар шубҳасиз Ватанимиз тарихини ўрганишда айтишга аризири ишлар бўлди. Мен юқоридаги асарлар орқали кўп нарса ўрганган бўлсам-да, фақат улар билангина чекланмадим. Аввало Дукчи Эшон кўзғолонининг моҳиятини англашга уриндим, қолаверса, ҳар хил тоифадаги кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганим ва охир-оқибат Дукчи Эшон ҳазратларини ўзимча янгитдан кашф этдим.

Шўро даври мафқураси тасвирида баъзи бировлар Эшон ҳазратларини фирибгар-

амалга ошириш учун қулай пайт пойлади. Аслида исёнкорлик унинг қонида бор эди. Пири Султонхон тўра уни газовотга ундаган. Қўқон хони билан яқин алоқада бўлган ва бутун хонликда катта мавқеа тутган Султонхон тўра учун хонлиқнинг инкирозга юз тутиши ва юртининг босқинчилар қўлида қолиши катта фожиа эди. У киши бу фожеаларга индамай қараб туролмасди, исён кўтариш ўз қўлидан келмаган, қариб қолгани тўфайли ҳеч бўлмаганда истеъдодли шогирдларнинг қалбига исён уругини солишга интилиши аниқ эди. Пирининг орзулари Дукчи Эшонда шаклланиб борди ва охир-оқибат кўзғолон даражасига кўтарилди.

Босқинчилар томонидан ваҳийларча бостирилган худди мана шу кўзғолон кейинчалик Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон каби фозилларимизнинг дунёга келишини, шаклланишини тезлаштирди. Улар миллиятини аввало илмли, маърифатли қилибгина озодликка эришиш мумкинлигини англаб етдилар ва ўша йўлда иш олиб бордилар. Мана сизга Дукчи Эшон кўзғолонининг ибратли томонларидан яна бири.

монларни тўқшимизга ҳожат йўқ, тарихимизда улар бўлган. Худди ана ўшаларнинг бири шубҳасиз Дукчи Эшон ҳазратларидир. Бу улуг зотнинг ишлари халқимиз руҳини кўтаришда катта роль ўйнайди ва мустақил Ватанимизнинг қаддини тиклашда ибрат бўлади. А. Эгамназаров ўз китобида тўғри қайд қилганидек, Муҳаммад халфа, мустамлакачилар таърифлаганидек, диний ақидаларга берилиб, содда халқни аҳмоқона ҳаракатга бошлаган мутаассиб эмас, балки мустамлакачилар зулмига қарши мардонни бош кўтариб, халқни озодлик учун тенгсиз жангга бошлаган миллий қахрамонимиздир. Унинг номи кўп минг йиллик тарихимиз давомида юртимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Махмуд Торобий сингари улуг зотлар номи билан бир сафда туради.

Миллий қахрамонларни улуглаш, сиймосини тиклаш ёшларимизнинг гурули бўлишларига хизмат қилиши шубҳасиз. Бу борада эса ҳали кўп ишлар қилишимиз лозим.

Наби ЖАЛОЛИДДИН

ОЗОД ВАТАН МАДҲИ

Уйғонар чўққилар устида офтоб,
Ям-яшил водийга сочиб олтин нур.
Ўзбеклар юрти бу — навқирон, озод,
Заминда музаффар ўлкасан, мағрур!

Кўлларни кўлларга
Озод Ватан учун берайлик!
Эллардан элларга
Хур диёр шухратин тарайлик!

Сўнмас руҳимизда матонат асло,
Туркистон наслимиз, меросдир бардош.
Азалдан қалбларда ўчмаган зиё,
Барҳаёт сиймолар сенга бўлди бош.

Бизни тангри кўллар, дунёлар чорлар,
Тарк этмас истиқлол энди умрбод.
Қалбларда ҳаётга муҳаббат порлар,
Муқаддас тупроқни этурмиз обод.

Мирпўлат МИРЗО



ДЎРМОН ҲАНГОМАЛАРИ

ХОРИЖИЙ ТАБРИК

Санжар Тилла Наманган, Адхам Ҳамдам Фаргона вилоят рўзномаларида муҳаррир экан.

— Адхам, мана, яқинда рўзномаимизнинг юбилейи бўлади. Қандай қилсак тантана яхши ўтаркан-а? — дея Санжар Тилла ҳамкасбидан маслаҳат сўрабди.

— Э-э, шунга ҳам бош қотириб юрибсанми? — дебди афандимижоз Адхам ака. — Москвадаги жамики хорижий элчионаларга бизни юбилей билан табриклар дея шошилишчюна юборасан — тамом-вассалом! Ҳаммаси зўр бўлади.

Санжар Тилла анча содда одам эди. Дўстининг гапига кириб, марказдаги жамики элчионаларга шошилишчюна юборади. Сўнг бу воқеа атрофида анча-мунча

шов-шув бўлади. Оқибат ўзбошимча муҳаррирни обкомга қақириб, роса пўстагини қоқишади.

КЕТДИК БИЗНИКИГА

Шоир Жуманиёз Жабборов уйда зиёфат берибди. Қиттак-қиттак олишгач, ўзи ҳаммадан олдин сархўш бўлиб қолибди-ю, ёнига ёнбошлаган кўйи кўзи илинибди. Бир маҳал кайфи тарқаб, мундоқ қараса, ҳамма ўзи билан ўзи овора, бировнинг гапига биров кулоқ солмас эмиш. Энасаси қотиб, ёнидаги меҳмонни туртибди:

— Бу ер ҳам бўлмади, кетдик бизникига!

МАШҲУРЛАРДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Серқирра талант соҳиби, ёзувчи ва олим Маҳкам Маҳ-

муд Андижоний паришонхотирлиги билан ўша ўтмишдаги машҳур кишилардан қолишмасди. Бу одати ахйири ўзининг ҳам жонига тегиб, бир кун нажот истаб дўхтирга борибди. Дардини айтиб, ёрдам сўрабди.

— Қачондан буён шунақа бўляпти? — деб сўрабди дўхтир резина болғасини қўлга олиб.

— Нима қачондан буён? — дермиш Маҳкам ака ҳозиргина айтган гапини эслолмай.

БУГУН ЯҚШАНБАДА

Шоир Ихтиёр Ризо Дўрмонда Мирпўлатнинг ёзувчилар уюшмасига қотиб бўлганини эшитиб, дарҳол илтимос қилибди:

— Менга уй керак, ёрдам қилинг!

— Ҳўп бўлади! — дебди Мирпўлат. — Фақат бугун яқшанба-да!

Ш. ОТАБОВ

ВАТАН ВА ВАТАНПАРВАРЛИК

Булбул чаманни севар,
Одам — Ватани.

Ватангадо бўлгунча, кафангадо бўл.

Ватанинг тинч — сен тинч.

Диндан чиқсанг ҳам, элдан чиқма.

Еридан айрилган етти йил йиғлар,
Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.

Ёмон — ўз гамида,

Яхши — эл гамида.

Ёрингни гул орасидан изла,
Ёркингни — эл орасидан.

Ётга яқинлашма,
Элинг билан ёвлашма.

Ўзга элнинг султони бўлгунча,
Ўз элнингнинг чўпони бўл.

Майдонда синалган — элда азиз.

Она юртинг — олтин бешигинг.

Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сонмон бўлмас.

Халққа суюнсанг, тўласан,
Халқдан чиқсанг, сўласан.

Эл бокса, бахтинг кулар.

МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул қотиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятта келган кўләмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0553. 9666 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБAA КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

